

## ЁШЛАР КАМОЛОТИ – ЭРТАМИЗ ПОЙДЕВОРИ



Одина Хамидова,  
Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси Ўқиш  
заллари хизмати  
раҳбари

**М**аънавийат жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки маънавийат ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу, ўз навбатида, шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Президентимиз томонидан 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори миллий ўзликни англаш, кадриятларимизни асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этиш, ёшларимизни Ватанга садоқат, инсонпарварлик каби эзгу ғоялар руҳида тарбиялашда муҳим дастурил-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Буюк келажагимизнинг ҳақиқий маънода яратувчиси ҳисобланган ёшларни юксак билимли, замонавий технологияларни мукамал эгаллаган, айти пайтда, тарихан таркиб топган миллий кадриятларимизнинг асл дурдоналарини ўзида мужассам этган баркамол авлодни вояга етказиш кутубхонада олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг ўзагини ташкил этади.

Бу борада Ўзбекистон Миллий кутубхонаси кўп минглаб катта ва кичик ёшдаги фойдаланувчиларнинг маънавий-маърифий соҳадаги салоҳиятларини юксалтиришга йўналтирилган турли шаклдаги оммавий тадбирларни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратган.

Миллий кутубхонада 2014 йил давомида кутубхона режаси асосида ҳамда турли муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 246 тадан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Ўтган давр мобайнида кутубхонада маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган бир қатор конференциялар, давра суҳбатлари, семинар-

лар ва ижодий учрашувлар ташкил этилди. Тадбирлар асосан 4 йўналишда олиб борилди.

Давлатчилик тарихи, ижтимоий-иқтисодий сиёсати, халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва умумхалқ байрамлари. Масалан, Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган «Қадамнинг асосоти Наврўз» ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Мардлар кўриқлайди Ватанни» номли адабий-бадиий кечаларни олишимиз мумкин.

Буюк алломаларимиз, маърифатпарвар олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан миллий маданиятимиз ва маънавий-маърифий қилишда нафақат тадбирлар, балки китоб-расми кўргазмалар ва фильм намойишлари ҳам ташкил қилинди. Мисол тариқасида: Соҳибқирон Амир Темур таваллуд куни муносабати билан «Амир Темур – буюк давлат асосчиси», Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги муносабати билан «Навоий куни» мавзусида қизиқарли давра суҳбатларини келтиришимиз мумкин.

Мустаҳкам оила, жамиятда аёлнинг ўрни, маънавий-ахлоқий тарбия, миллий кадриятлар ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича Хотин-қизлар кўмитаси, «Умидворлик» ногиронлар жамияти ва «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ҳам бир қанча учрашувлар ўтказилди.

Билим эгаллаш, зиё тарқатиш, интеллектуал салоҳиятни ошириш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқариш бўйича эса, айнан кутубхона фойдаланувчилари ташаббуси билан ташкил этилган «Иқтидорли ёшлар» ижодий клуби ва инглиз, испан ва корейс тилларидаги сўзлашув гуруҳларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Анъанавий тарзда кутубхоначилик соҳасига оид бўлган конференциялар: «Central Asia-2015: Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслар

Миллий  
кутубхонада 2014  
йил давомида  
кутубхона режаси  
асосида ҳамда  
турли муассаса ва  
ташкилотлар билан  
ҳамкорликда  
246 тадан ортиқ  
тадбир ўтказилди

ри» IX Халқаро конференцияси ва «INFOLIB-2014» Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ҳам ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, йил давомида кутубхона фаолияти ва ундаги ресурсларни оммалаштириш, фойдаланувчилар сонини ошириш мақсадида турли акциялар ва танловлар ташкил қилинди: Кутубхона сайтида «Мустақил Ўзбекистон менинг тақдиримда» номли фотосуратлар, «Она Ватан», «Она», «Дил изҳорлари» танловлари кутубхона фойдаланувчилари томонидан яхши қабул қилинди.

Анъанавий тарзда кутубхонада “Энг фаол фойдаланувчи” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими фойдаланувчиларда катта таассурот қолдирди. Бундай тадбирни ўтказишдан асосий мақсад – фойдаланувчилар ўртасида фаолликни ошириш, мутлоа маданиятини юксалтириш, ахборот-кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланиш, кутубхонада ташкил қилинаётган тадбирлар кўламини кенгайтиришдан иборат.

Ёшларни янгича тафаккур, соғлом фикр юритиши ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлиб камол топишида оила, маҳалла, таълим муассасалари, телевидение, матбуот ва кенг жамоатчиликнинг ўрни бекиёсдир. Баркамол авлод халқимиз орзу қилаётган ва интилаётган буюк келажакнинг кафолатидир. Бунга эришиш жуда мураккаб жараён. Шунинг учун маънавий тарбия масаласига эътибор бериш ва уни тўғри англаш барчамизнинг вазифамиздир.

Ёшларни мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий салоҳиятнинг туб моҳиятини англайдиган, рақобатбардош мутахассис, инсонпарвар, етук, давр талабига жавоб берадиган, маънавий-маданий, ахлоқий-руҳий ва жисмоний жиҳатдан



баркамол, Ватанга, эл-юртга садоқатли кишилар қилиб тарбиялаш ҳамда уларда турли экстремистик, бузгунчи гояларга қарши иммунитетни кучайтириш Миллий кутубхонада ўтказиладиган барча тадбирларнинг устувор вазифаси сифатида белгилаб олинган.

Ёшларимизни маънавий шакллантиришда халқимизнинг бой миллий урф-одатлари, қадриятларимизга ва анъаналаримизга амал қилиш эҳтиёжи тобора кучаймоқда. Дарҳақиқат, ёшлар маънавияти қанчалик юксак бўлса, у шунчалик енгилмас кучга айланади.

Баркамол авлод халқимиз орзу қилаётган ва интилаётган буюк келажакнинг кафолатидир

### Одина Хамидова, руководитель службы читальных залов Национальной библиотеки Узбекистана

В данной статье дана информация о проводимых мероприятиях в Национальной библиотеке Узбекистана, которые транслируя через книгу и чтение культурные нормы и ценности молодому поколению, обеспечивая информационную поддержку процесса обучения формирующейся личности, всем присутщим библиотеке инструментарием работы с книгой и информацией, способствуют развитию социальной компетентности молодого человека.

Развитие культуры и искусства, науки и образования во многом зависят от воспитания подрастающего поколения в духе духовности и нравственности, которые являются важнейшими и базисными характеристиками личности. Национальная библиотека Узбекистана – многофункциональный открытый социокультурный институт, базовые социальные функции которого (мемориальная, коммуникативная, информационная, образовательная и культурная) нацелены на развитие личности во всех ее индивидуальных и социальных характеристиках. ■